*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

# Улгуржи ва биржа савдосини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон улгуржи ва биржа савдоси бўйича республика акционерлик уюшмаси — «Ўзулгуржибиржасавдо»ни тугатиш тўғрисида;

тугатилаётган «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси таркибида бўлган республика улгуржи-савдо ташкилотлари негизида «Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компаниясини ташкил қилиб, унинг зиммасига корхоналар ҳамда ташкилотларнинг буюртмалари бўйича, шунингдек, ҳукуматнинг топшириқларига кўра, ҳукуматлараро битимлар ва шартномаларга мувофиқ контрактлар тузиш ҳамда уларни бажариш бўйича улгуржи савдо соҳасида ва омборхоналар билан хизмат кўрсатиш вазифасини юклаш тўғрисида;

тугатилаётган «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси таркибида бўлган ҳудудий акциядорлик тижорат-воситачи компанияларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари қарамоғига ўтказиб, улар зиммасига улгуржи ва майда улгуржи савдони ташкил этиш, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар моддий-техника ресурсларини янада эркинроқ ҳарид қилишлари учун шароит яратиш вазифаларини юклаш тўғрисида.

3. Ўзбекистон республика товар-хомашё биржасини тугатилаётган «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси таркибидан чиқариб, унинг фаолиятини мустақил бозор тузилмаси сифатида ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонунига биржа фаолиятини ташкил этишни яхшилашга, биржа битимларининг амалга оширилиши ҳамда биржа нархлари белгиланиши учун биржалар ва биржа савдоси қатнашчиларининг жавобгарлигини оширишга қаратилган зарур ўзгартиш ва қўшимчаларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун тақдим этсин.

5. «Ўзбекистон шартномалар ва савдо бўйича давлат-акционерлик уюшмаси — «Ўзшартномасавдо»ни тугатиш ҳамда Ўзбекистон улгуржи ва биржа савдоси бўйича республика акционерлик уюшмаси — «Ўзулгуржибиржасавдо»ни таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 28 февралдаги ПФ-772-сон Фармонининг 2 ва 3-бандлари ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўн кун муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2001 йил 27 апрел.*

*Олий Мажлис сессияси олдидан*

# Хавфсизлик кафолати

**Газетхонга маълумки, Олий Мажлиснинг IV сессиясида «Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган эди. Хўш, ушбу қонун лойиҳасини яратишга қандай омиллар туртки бўлди? У бизга нима беради?**

**Олий Мажлис Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Субҳонжон СОЛИЕВ бу хусусда мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:**

— Аввало, шуни айтиш керакки, ҳар қандай янги қонун ҳаёт тақозосига кўра тайёрланади. Бизнинг қўмитамиз Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда ишлаб чиққан мазкур ҳуқуқий ҳужжат, биринчи навбатда, ҳарбий таркиблар, қурол-аслаҳа, алоҳида назоратни талаб қиладиган хавфли юкларнинг транзитини мамлакатимиз ҳудуди орқали амалга оширишда атроф-муҳит, фуқаролар хавфсизлиги ҳамда давлат манфаатлари дахл-сизлигини таъминлашни кўзда тутади.

Масаланинг яна бир томони шуки, Ўрта Осиёнинг марказида жойлашган Ўзбекистон халқаро савдо йўлларига чиқишда энг қулай макондир. Азал-азалдан бу ҳудудда савдо-сотиқ ривож топиб, Шимолдан Жанубга, Шарқдан Ғарбга томон чўзилган Буюк Ипак йўли бевосита Туронзаминни оралаб ўтганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугун ўша тарихий анъана давом этмоқда. Мустақиллик шарофати билан мамлакатимиз қисқа давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айландики, бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Халқаро интеграциялашув жараёнида транспорт ҳаракатини такомиллаштириш, ички транзит йўлларидан фойдаланишни меъёрлаштириш ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик масалалардан биридир. Тажрибадан аёнки, жаҳондаги барча мамлакатларда махсус юклар — ҳарбий техника, қурол-яроғ, ҳарбий мол-мулк, радиактив воситалар, ҳарбий таркиб ва ҳоказоларни олиб ўтиш қонун йўли билан чекланади ёки тақиқланади. Бу халқаро шартномаларда ҳам кўзда тутилган. Бизда эса юқорида қайд этилган махсус юкларни мамлакатимиз ҳудуди орқали олиб ўтишда ҳуқуқий асос бўладиган тегишли қонун ҳалигача ишлаб чиқилмаган эди. Тўғри, амалдаги Божхона кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бу борадаги ҳаракатларни тартибга солиш учун бир қадар имкон беради. Лекин уларда хавфли транзит юкларни ташиш шартлари ва муддатлари, махсус транспорт ҳаракати устидан давлат назоратини амалга ошириш ва шунга ўхшаш бошқа масалаларнинг ҳуқуқий жиҳатлари аниқ белгиланмаган.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлашга оид муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган янги қонун лойиҳаси муҳим ижтимоий аҳамиятга эгадир. Уни тайёрлаш жараёнида қатор ривожланган мамлакатларнинг амалий тажрибаси чуқур, атрофлича ўрганилди. Лойиҳани ишлаб чиқиш ва такомилига етказишда республикамиздаги Божхона, Давлат чегараларини қўриқлаш қўмиталари, шунингдек, тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг мутахассислари фаол иштирок этдилар.

Биласизми, ушбу меъёрий ҳужжат биринчи ўқишда 18 моддадан иборат эди. Таклиф-мулоҳазалар асосида лойиҳа яна иккита янги модда билан бойитилди. Энг асосийси, мазкур лойиҳада махсус юклар ва ҳарбий таркиблар ҳаракати устидан давлат назорати, транзит рухсатномасига оид муносабатларга қўйиладиган талаблар ҳамда ушбу қонунни бузганлик учун жавобгарлик меъёрлари кўзда тутилган. Дейлик, 8 ва 9-моддаларда мамлакат ва фуқаролар хавфсизлигини, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш устувор вазифа этиб белгиланган бўлса, 10 ва 12-моддаларда транзит ҳаракатини фақат кўзда тутилган йўналиш бўйича амалга ошириш, ноқонуний рухсатномаларни бекор қилишга оид тартиб-қоидалар ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган.

**Носир ТОШЕВ**
**ёзиб олди.**

# «ЎЗБЕКИСТОН: МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎН ЙИЛИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қонунчилик ва ижроия ҳокимияти органлари шакллантирилди, мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси қабул қилинди, демократик сайлов тизими ташкил топди.

Бироқ яқин ўтмишдаги воқеалар мустақилликка эришиш қанчалик қадрли бўлса, уни асраб қолиш шунчалик муҳим эканини кўрсатди. Халқимизнинг сўнгги йилларда эришган ютуқлари ҳаммага ҳам маъқул келмаганини эслатувчи суратлар ҳамон бизни ҳаяжонга солмоқда. Аммо мустақиллигимиз душманлари ўз қора ниятларига ериша олмади. Ўзбекистон ёшлари Ватанимиз келажагига ишонади, халқимиз томонидан 10 йил аввал танланган йўлни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Кўргазманинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга асос бўлган бешта тамойил тўғрисида ҳикоя қилувчи, мамлакатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган миллий ривожланиш моделига бағишланган бўлимлари алоҳида диққатга сазовор. Сўнгги йилларда дон мустақиллиги, ёқилғи-энергетика мустақиллигига эришилди, янги соҳалар вужудга келди. Нафақат фотосуратлар, балки иқтисодий ўсиш жараёнини акс эттирувчи диаграммалар ҳам шундан далолат беради. Бугунги кунда республикамиз ўз автомобиллари, самолётлари, замонавий қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқармоқда. 1991-2000 йиллар давомида 1713 та корхона ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари қурилди, 8,5 минг турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Дунёнинг 140 мамлакати билан савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатилди. Тарихан қисқа даврдаги бундай ютуқларимиз бутун дунёда қизиқиш уйғотмоқда. Ҳозирги Ўзбекистон — жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси, халқаро масалаларни ҳал қилишда катта обрў қозонган давлатдир.

Кўргазмада буюк аждодларимиз маънавий мероси тикланишига алоҳида эътибор қаратилган. Давлатимизнинг ижтимоий ва маънавий тараққиётига катта ҳисса қўшган буюк алломалар — Амир Темур, Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Камолиддин Беҳзод ва бошқа кўплаб аждодларимизнинг муборак номлари тикланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилмоқда.

Таниқли бастакор Анор Назаров басталаган мусиқа ва сухандон нутқи экспозицияга алоҳида руҳ ва кайфият бағишлайди. Кўргазма бир қанча нусхаларда кўпайтирилган бўлиб, яқин орада республикамизнинг барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларига тарқатилади. Улар «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» янги предметини ўқитишда ниҳоятда қўл келади.

Экспозиция тақдимотидан сўнг ректорлар кенгаши бўлиб ўтди. Уни кенгаш раиси, академик Н.Иброҳимов бошқарди. Олий ўқув юртларининг васийлик кенгашлари фаолияти муҳокама қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев сўзга чиқди.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Авиация масалаларига бағишланган сессия

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сессия йиғилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов бугунги кунда авиация хавфсизлиги масалалари долзарб бўлиб қолаётганини таъкидлади. Бош вазир учишлар хавфсизлиги аҳволини таҳлил қилиш ва авиация ҳалокатларининг олдини олиш учун зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳимлигини қайд этди. Ҳаво ҳаракатини бошқариш воситаларини замонавийлаштириш, қоидалар ва тартибларни мувофиқлаштириш, ходимларнинг касбий малакасини оширишга доир чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш борасида катта ишларни амалга ошириш зарур.

ДАҚ раиси Татьяна Анодина ЎзА мухбирининг саволларига жавоб берар экан, сессияда биргаликда ҳал этилиши лозим бўлган бир қанча устувор вазифаларни қайд этди. Хусусан, у ҳамдўстлик давлатларининг самолётлар парки эскириб бораётганини айтди. Шу сабабдан кўпгина давлатлар эски самолётларни замонавийлари билан алмаштиришга интилмоқда.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Учишлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи Валерий Тян Авиация ва ҳаво йўлларидан фойдаланиш кенгаши раиси лавозимига сайланиши барча Ўзбекистон авиаторлари учун қувончли воқеа бўлди. Унинг номзоди кенгаш аъзолари томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Кенгаш сессиясида янги намунадаги авиация техникасини яратиш ва серияли ишлаб чиқариш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди. Авиация маъмуриятлари раҳбарлари В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқарилаётган ва Давлатлараро авиация қўмитаси томонидан сертификатланган Ил-114 самолётига катта қизиқиш билдирди.

Тошкент сессиясида иштирок этаётган Кенгаш аъзолари завод аэродромидаги кўргазмали учишда ушбу самолёт юқори учиш-техник кўрсаткичларига эга эканлигига ишонч ҳосил қилишди.

В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси Бош директори Вадим Кучеров ЎзА мухбирига берган интервьюсида кейинги 5 йил ичида бирлашма XXI аср самолёти ҳисобланадиган 4 та Ил-76 МФ моделини тайёрлаганини маълум қилди. Бирлашма раҳбарининг сўзларига қараганда, бу самолёт ИКАОнинг барча талабларига жавоб беради ва жаҳоннинг исталган ҳудудида фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, Россиядан келтирилган двигателлар ўрнатилган Ил-114 самолётлари тайёрланди. Бугун эса халқаро лойиҳа асосида яратилган Ил-114-100 самолёти намойиш қилинмоқда.

**А.ТЎЙЧИБОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Муҳташам кошона



(Давоми. Боши 1-бетда).

Муассасанинг бири-биридан гўзал, ораста, чиннидай хоналари, заллари, муолажа биноларини кўздан кечириб, мустақил юртимизда эртамиз эгалари, заҳматкаш оналар учун нақадар ғамхўрлик кўрсатаётганлигига имон келтирасан. «Оналар ва болалар йили»да фойдаланишга топширилаётган мажмуа эса гулгун чеҳрага холдай ярашиб тушди.

«Мажмуада асосан туғма ногирон, чала туғилган, сурункали касалликка чалинган, узоқ вақт даволанишга муҳтож беморлар қабул қилинади. Учта бўлимда бирйўла 90 нафар она-болани даволаш учун барча имкониятлар яратилди. Неанатология — чала туғилган болалар бўлимига беморлар онаси билан бирга туғруқхонадан қабул қилиб олинади. Бўлимда чақалоқлар учун ҳам туғруқхонадаги, ҳам шифохонадаги шароитлар яратилган. Ҳар бир бемор ва она учун алоҳида хона. Хонада барча коммуникация хизматлари муҳайё этилган. Ювиниш ва бошқа эҳтиёжлар учун алоҳида бежирим хоналар мавжуд.

Қирқ ўринли болалар бўлимида эмизикли ва ёш болалар даволанади. Реабилитация — соғлиқни тиклаш бўлимида эса асосан узоқ вақт даволанишга муҳтожлар ўз дардига даво топмоқда.

Муассасани, ҳеч шубҳасиз, дунёда эътироф этилган клиникаларга қиёслаш мумкин. Беморга шу ернинг ўзида ташхис қўйилади, лаборатория, УТД, ИКГ аппаратлари орқали кўрикдан ўтказилади, функционал таҳлил қилиш бўлимида эса барча маълумотлар жамланади. Хулоса қилиб айтганда, бемор шу ерда тўлиқ текширилиб, сўнг даволаш бўлимларига ўтказилади.

Бемор фарзандларига қарайдиган оналар ҳам бирйўла соғлиқларини тиклаб олишлари учун барча шароитлар ҳозирланган. Гинекология бўлимида Замирахон Эрматова бошлиқ малакали шифокорлар хизмат кўрсатсалар, ёш, истеъдодли жарроҳ Акмалжон Қамбаров даволовчи-шифокорларни замонавий асбоб-ускуналар билан ишлашга ўргатаяпти.

Мажмуада энг сўнгги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган дорихона ҳам мавжуд. Дорихона суюқ дорилар билан бутун туман шифохоналарини таъминлайди. Фитобар — шифобахш ўсимликлардан тайёрланадиган дармондорилар эса соғлиқни тиклашда муҳим восита бўлиши шубҳасиз. Айниқса, ҳозирдан «Боғи Эрам» номини олган қишки боғ ҳар қандай кишини ҳайратга солиши мумкин. Неон чироқлари ёруғида сунъий майса гиламлар, пальма дарахтлари, саванна гуллари ажиб товланади.

Мажмуа билан танишиб қайтаётганимизда, ўқув парталарини келтириб қолишди. Бош шифокор изоҳ берди:

— Баъзи ўсмирлар узоқ вақт даволанади. Шунинг учун алоҳида синф хонаси ҳам ажратдик. Тўла компьютерлаштирилган синфда 6 ўқитувчи ҳар бир бемор ўқувчи билан алоҳида-алоҳида машғулот олиб боради. Умуман, сизларга айтиш ёдимдан кўтарилибди, бизда бир беморга битта тиббиёт ходими хизмат кўрсатади.



**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**М. САРИМСОҚОВ**
**олган суратлар.**

# Депутатга сим қоқдик

**Ҳам ишлаб, ҳам депутатлик фаолияти билан шуғулланадиган депутатнинг аҳволини тушунса бўлади. Ҳозир уларнинг қўлига Олий Мажлис сессияси муҳокамасига киритилган деярли барча масалалар юзасидан лойиҳалар, маълумотномалар етиб борган. Кимдир бўш пайтида уни ўқиётган, кимдир сайловчилари билан учрашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳам ўрганаётган бўлиши табиий. Кўпдан кўп фикр чиқади. Шу боис биз телефон орқали уларга иккита савол билан мурожаат қилдик: Олий Мажлис сессияси муҳокамасига киритилган масалалар юзасидан қандай таклифингиз бор? Бу таклиф ўзингизникими ёки сайловчингизники? Депутатлар, табиийки, олдиндан тайёргарлик кўришгани йўқ. Қўнғироқ қилишимиз билан, қандай фикр-мулоҳазалари бўлса, шуни айтдилар, холос.**

**Фотима БАДАЛБОЕВА,**
**Шаҳрисабз тумани марказий шифохонаси бош шифокори,**
**Олий Мажлис депутати:**

— Олий Мажлиснинг бешинчи сессияси муҳокамасига «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам киритилган. Назаримда, бу лойиҳа айни вақтида кун тартибига қўйилмоқда. Сабаби — бу аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ. Агар эътибор қилган бўлсангиз, шу йил 7 февралда Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистонда сил касаллигига қарши курашиш ва аёлларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш учун ГФР ҳукумати томонидан берилаётган грантларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилганди. Шунга мувофиқ, Қашқадарё вилояти сил касалликлари диспансери ГФРнинг 5 миллион марка қийматидаги грантини олиш учун ҳужжатларни тайёрлади. Энди бу диспансерни Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятларининг ўқув марказига айлантирилиши мўлжалланмоқда. Бевосита врач кузатуви остида сил касаллигининг қисқа муддатли кимёвий терапияси халқаро дастури ҳаётга татбиқ этилади. Шу жиҳатдан олганда мазкур қонун лойиҳаси янада тўлдирилса, мукаммаллаштирилса ва тезроқ қабул қилинса...

Таклифим нимадан иборат? Яхши-яхши қонунлар қабул қилаяпмиз. Уларнинг ижросини таъминлаш керак. Шунда ҳамма нарса жойига тушади. Сайловчиларим билан ҳар гал учрашганда, бунга такрор-такрор иймон келтираман. Бу таклиф ҳам ўзимники, ҳам сайловчиларники.

**Муҳсин АШУРОВ,**
**«Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори,**
**Олий Мажлис депутати:**

— Сайловчиларим билан учрашганимга бугун беш кун бўлди. Улар Давлат бюджетига алоҳида эътибор қаратаяптилар. Деярли ҳаммаси давлат томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ҳимояни қўллаб-қувватлашяпти. Бу, айниқса, ўтиш даврида биз учун жуда ҳам асқотади, деяптилар.

Мен уларни тинглаб, Давлат бюджетининг 2001 йил биринчи чорагидаги ижросига жиддий эътибор қаратишим керак экан, деган хулосага келдим. Бу, албатта, сайловчиларимнинг таклифи.

Менинг ўзим эса «Лицензияланиши лозим бўлган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги масалани долзарб, деб ҳисоблайман. Чунки амалдаги рўйхат 1994 йилнинг апрел ойида қабул қилинган. Орадан етти йил ўтди. Қанча сувлар оқди. Бу масалани қайтадан кўриб чиқиш ҳар жиҳатдан фойдали. Чунки ниманингдир чегараланиши, албатта, бюрократияга олиб келади.

**Телефондаги гапларни «Халқ сўзи» мухбирлари Исмат ХУДОЁРОВ ва Нарзулла РАВШАНОВ ёзиб олишди.**

***ТАҲРИРИЯТДАН: жойлардаги депутатлар ва сайловчилар билан тез ва яқин алоқа ўрнатиш ниятида «Сим орқали мулоқот» деб номланган янги рукн очишни маъқул топдик. Олий Мажлис сессияси кун тартибига киритилган масалалар юзасидан таклиф ва мулоҳаза билдиришни истаган фуқароларимиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишлари мумкин:***
***133-57-34, 133-78-92, 133-09-85.***

# ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Марказий Офицерлар уйида «Ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзуида икки кунлик илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Бу тадбир Мудофаа вазирлиги ва Қуролли Кучлар академияси томонидан ташкил этилди. Унда қўмондонликларнинг вакиллари ҳамда Мудофаа вазирлигига қарашли олий ҳарбий ўқув юртлари, Ички ишлар вазирлиги, Давлат чегарасини ҳимоя қилиш қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раҳбарларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, шунингдек, Тошкент шаҳри ҳарбий ўқув юртлари, олий ўқув юртларининг ижтимоий фанлар кафедралари профессор-ўқитувчилари, Қуролли Кучлар Академиясининг «Тарбиявий ишлар офицери» мутахассислиги бўйича тингловчилари иштирок этди.

Конференцияда Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова, Қуролли Кучлар академияси бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, генерал-майор А.Қамбаров ва бошқалар «Ёшларда миллий ғоя ва миллий маънавиятни шакллантириш», «Ҳозирги даврда ёшларни маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг долзарб муаммолари», «Мустақиллик ва ёшларни ватанпарварлик ҳамда миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш», «Ўзбекистонлик аскарнинг шаклланишида анъаналар, миллий урф-одатларнинг таъсири», «Ватан мудофаасига оид қадимги манбалар», «Ҳарбий хизматчиларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш — маънавий тарбиянинг асосий тамойилларидан бири», «Ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда умуминсоний ва миллий қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти» каби мавзуларда маъруза қилишди.

Президент Ислом Каримов бизнинг келажагимиз, Ватанимиз истиқболи ёшларимизнинг қандай инсон бўлиб вояга етишига боғлиқлигини қайта-қайта таъкидлаганлар. Ёшлар тарбияси бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Миллий ғоя юксак маънавий ва умуминсоний қадриятлардан келиб чиққан ҳолда, ёш авлодни ватанпарварлик, она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишида асосий манбага айланиши лозим.

Анжуманда қайд этилганидек, мустақил тараққиётимизга, янги жамият қурилишига, энг аввало, диний-экстремистларнинг ҳали онги шаклланиб улгурмаган ёшларга таъсир кўрсатишга интилиши жиддий хавф солиши мумкин.

Ҳар бир соғлом фикрли киши шуни англайдики, маънавий тараққиётсиз ва маърифатсиз порлоқ истиқболга эришиб бўлмайди. Шунинг учун бугунги кунда мафкура майдонидаги кураш муҳим аҳамият касб этади. Мафкура соҳасида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди. Агар бундай ҳол содир бўлса, ўй-фикрларимиз ва интилишларимизга ёт бўлган ғоялар бу бўшлиқни эгаллаб олишга уринади.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллик тараққиёти янги авлодга ўз ватанпарварлик туйғуларини амалда кўрсатиш учун имконият яратди. Бугунги кунда ватанпарварлик — нафақат ахлоқий тушунчадир, балки ўз халқи манфаати йўлидаги фидокорона меҳнатни ҳам англатади. Ўзбекистон фуқароларининг ватанпарварлик туйғулари, энг аввало, давлатнинг миллий хавфсизлигини, халқнинг тинч турмушини таъминлашга йўналтирилган ҳарбий хизматда ёрқин намоён бўлади. Ҳозирги кунда ёшлар билан олиб бориладиган ҳарбий-ватанпарварлик ишининг моҳиятини янада бойитиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Конференция иштирокчилари ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида тажриба алмашди, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди ҳамда якуний қарор қабул қилишди.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Янги сувенирлар

Хоразм вилоятидаги «Хива сополи» акциядорлик жамиятида эллик турдаги ўзига хос эсдалик совғаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уларни ишлаб чиқариш учун янги совға буюмлари цехи ташкил этилди.

Шоирона «Наврўз», «Ҳулкар», «Меҳробгул» деб номланган гулдонлар, кичик ҳайкалчалар ва бошқа буюмлар «Ичон-қалъа»га ташриф буюраётган кўплаб саёҳатчиларга манзур бўлмоқда. Айниқса, Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги рамзи туширилган буюмларнинг бозори жуда чаққон.

**Т.ШАМАКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Тасвирлардан «жиз» этса юрак

Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, республика Бадиий академияси билан биргаликда уюштирган кўргазманинг айнан ёшлар орасида ташкил қилиниши бежиз эмас. «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзуидаги ушбу кўргазмада республикамиз бўйича юздан ортиқ плакатчи дизайнер ва мусаввирлар ўз асарлари билан қатнашдилар. Асосий мақсад — келажагимиз эгаларининг Конституциямиз моҳиятини китобдан англаш билан бирга, тасвирий воситалар орқали вужудларига жо қилишларидир. Кўргазмага тақдим этилган плакат ва фотосуратлар 120 та бўлиб, улардан 14 таси ғолиб, деб топилди.

**Ғофур ЖАБИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Сарбонтекс»нинг экспорт имконияти

**— Корхонамиз «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни қошида ташкил этилган бўлиб, у асосан тиббиётда ишлатиладиган бинт ва жарроҳлик салфеткалари ҳамда калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган, — дейди «Сарбонтекс» ишлаб чиқариш-савдо-тижорат ҳиссадорлик жамияти бош директори Мурод Ғофуров.**

Айни пайтда унда 200 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг барчаси махсус курсларда ўқитилиб, малакали устозлар қўлида шогирдлик синовидан ўтган. Бугунги кунда улар юксак маҳорат билан иш юритишаяпти. Корхонамизда иш уч сменада ташкил этилган бўлиб, шаҳар ташқарисидан қатнайдиганлар учун алоҳида автобуслар ажратилган. Ходимлар учун замонавий ошхона ишлаб турибди. Улар жамият ҳисобидан бепул овқат ва махсус кийим-бош билан таъминланган.

Энди бевосита ишлаб чиқаришга тўхталадиган бўлсак, ўтган даврда салкам 410 тонна калава ип ишлаб чиқарилиб, шундан 180 тоннаси, яъни 90 миллион сўмлиги ички бозорларга, 191,2 тоннаси эса эркин алмаштириладиган валютага сотилди. Бу салкам 230 минг АҚШ долларини ташкил этди. Олинган фойда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ходимларимизни рағбатлантириш ва уларнинг меҳнат шароитларини янада яхшилашга сарфланмоқда. Ишчиларимиз ўртача 15-17 минг сўмдан маош олишаяпти.

Яқинда испаниялик ишбилармонлар билан умумий қиймати 7098000 евро миқдорида шартнома тузилди. Бугунги кунда мана шу лойиҳани амалга ошириш учун кенг кўламда тараддуд кўрилмоқда.

Дастлабки тиббий маҳсулотнинг илк намунаси мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрами арафасида ишлаб чиқарилади. Тайёр маҳсулотнинг қарийб 80, калава ипнинг эса 30 фоизини ташқи бозорга сотиш режалаштирилган. Янги иш ўринлари яна 80 тага кўпаяди. Ишчиларнинг барчаси мураббийлар томонидан махсус тайёргарликдан ўтказилади. Бундан мақсад эса чет эл сармоясини юртимизга кўпроқ жалб этиш ва мижозларни арзон, сифатли маҳсулот билан таъминлашдир.

**А.ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Журналист суриштируви*

**Қаерда назорат сусайса, ўша жойда гап-сўз кўпаяди. Секин-секин қонунбузарликларга йўл очилади. Бу фикр, айниқса, бозорларга тегишли. Шу боис бизда бозорлар устидан кучли назорат ўрнатилган. Уларни тартибга келтириш юзасидан Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинган. Шунга қарамай, айрим бозорларда камчиликлар мавжуд. Қонунбузарликлар учраяпти.**

# «Хусусий бозор»нинг баҳоси

## *наҳотки, унинг қиймати бир сигир пулига тенг бўлса?!*

Бозор — ўз номи билан бозор. У ерга ҳамма тирикчилик, рўзғор ташвишида боради. Бирови сотади, бошқаси харид қилади. Хусусан, «Зомин деҳқон бозори» акциядорлик жамиятида ҳам шу аҳвол. Аммо бу бозорда савдодан кўра узунқулоқ гаплар кўпдай. Бунинг сабаблари бисёр. Беш йилдан ошаяптики, бозорда тарафкашлик, ёз-ёзлар тўхтамаяпти. Ахир ҳар нарсаниям чегараси бўлади. Кимдир бу номақбул тортишувларга чек қўйиши керак. Қонунларимизда бу ҳолат тартибга келтирилганлигини таъкидлаш шарт эмасдир. Зомин туманида ҳам прокуратура бор. Суд бор. Солиқ инспекцияси бор. Аллақачон оқни оққа, қорани қорага ажратса бўларди. Бир гал бозорнинг эски директори — С.Равшанов ёзади. У тинчиши ҳамон собиқлардан яна бири Ё. Эсонов қўлига қалам олади. Текширишлар бошланади. Аммо хулосага келинганда, масала яна чуваланади. Эҳтиёткорлик...

Дарвозадан кирган кишининг кўзи бозор ўртасидаги иккита узун савдо растасига тушади. Бири анча ҳилвираб қолган. Иккинчиси ҳашамдор. Ана шу яққол кўриниб тургани хусусийлаштирилган. Уни шу бозорга директорлик қилган кезлари Ёрбек Эсонов сотиб олган. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 апрелдаги «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида»ги қарори бозорни хусусийлаштиришга асос бўлган.

Туманнинг ўша пайтдаги ҳокими Ш.Абдуғаниевнинг 1995 йил 15 декабрдаги 474-к-сонли қарорига кўра, марказий бозор ичидаги 631 кв. метрлик иккита савдо растасининг ҳар бир кв.метр ер майдони 75 сўмдан баҳоланади. Шундай қилиб, асосий савдо расталари жойлашган павильон 12640 сўмга, эгаллаб турган ер майдони билан 65 минг сўмга пулланади.

Ҳозиргача «Ёрбек ота»нинг асл фаолиятини турли ташкилотлар ўзича талқин қилади. Туман солиқ инспекцияси хусусий шохобча деса, вилоят молия бошқармаси, бозорлар уюшмаси хусусий бозор, вилоят прокуратураси савдо растаси, дейди. (Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз).

Ушбу ажабтовур жой — бозорнинг қоқ маркази — хусусийлаштириб олинганидан бери аризабозлик тўхтамайди. Илгари Зарбдор, Зомин, Пахтакор, Арнасой туманлари ИИБларида узоқ йиллар раҳбарлик лавозимида ишлаган, олий маълумотли ҳуқуқшунос Ё. Эсонов олгани учунмас, ишлар енг ичида битказилгани учун, «Кимошди» савдосида ошкоралик таъминланмагани, иншоот сотилаётгани қаттиқ сир сақлангани, эълон берилмагани учун. Маълум маънода қонун бузилаётганлиги учун.

Харидор Ё.Эсонов ўзининг бизнес-режасида ёзганди: «Ҳозирги вақтда марказий деҳқон бозорида ишлаб келаман. Мен бу бозор ичидаги дўконлар ерлари ва савдо расталари «Кимошди» ва танлов савдосига қўйилганлигини туман газеталари ва Жиззах телевидениеси орқали билиб... битта савдо растасини хусусий қилиб олишга қарор қилдим».

Энди ҳар икки ҳолатни солиштириб кўрсак. Тўғриси, шу сўзларнинг қай бирига ишонасиз? Бозор директорининг бозор растаси сотилишини газетадан ўқиб, телевизордан эшитгач, олмоқчи бўлганигами ёки бошқа харидордан сир сақланганигами? Агар эълон берилган экан, наҳотки, Зоминда шундай ёғли жойга бошқа талабгор топилмади? Сўраб-суриштирсак, савдо растаси нархланган 12640 сўмга ўша пайтда битта яхши сигир бераркан. Зоминда зотдор сигир боққан-у, унинг биттасини сотиб «бозорли» бўлиб олай деб юрганлар камми?

Таҳририятимизга шикоят ёзган С.Равшанов хатида худди шу ҳолатга аниқлик киритиш лозимлигини қайта-қайта таъкидланади: «Аввало, 140 та савдо ўрнига эга павильон жуда арзон пулланган. Иш ими-жимида битган. Эълон берилган эмас. Одамлар «Кимошди» савдосини эшитганида, биласизми, ўша пайтда уни кўплаб деҳқонлар сотиб олиш қурбига эга эди. Қолаверса, павильоннинг ҳақиқий ер майдони 631 эмас, балки 957,4 кв. метрдир».

Маълум бўлишича, бозорлар ўша пайтда тайёрлов-савдо идорасига қараган. Демак, бозордаги иншоотларни хусусийлаштириш учун тайёрлов идорасининг розилиги, умумий йиғилишнинг қарори бўлиши лозим эди. Аслида-чи? «Ўшанда туман тайёрлов-савдо бўлими бошлиғи эдим. Бизнинг бундан хабаримиз бўлмаган».

Маъмур Ниёзматовнинг гапи кишини ўйлантириб қўйди. «Наҳотки, шундай бўлса?» деган фикрга бордик. Бундай эътирозлар ҳамишаям тўғри чиқаверармиди? Афсуски, хусусийлаштириш «папкасида» тайёрлов идорасининг розилик хати йўқ экан. Балки у ўша пайтда ким учундир муҳим бўлмагандир?

Тадбиркор Ё.Эсонов фақат бозор ичидаги бозорни сотиб олиш билан кифояланмади. Бозор ҳудудидаги қассобхонани ва 132 кв. метр ер майдонини ҳам хусусийлаштириб олди. Бу ҳол «Жиззах вилоят бозорлари» акциядорлик жамиятлари уюшмасини сергак торттирди. Шу сабабли, вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Унда бундай дейилган: «...Туман марказий бозори ҳудудидаги қассобхона ва бино олдидаги 132 кв.метр ер майдони ушбу бозорнинг собиқ раиси Эсонов Ёрбекка 1340 сўмга сотилиб, 1448-сонли давлат ордери берилган. Шунингдек, бозорнинг 1993-94 йилларда туман тайёрлов савдо идораси томонидан шарқона усулда, пишиқ ғиштдан қайта таъмирланиб, томи оқ тунука билан ёпилган, 140 савдо ўрнига эга бўлган бешта павильони ҳам уники. Бунда таъмирлаш харажатлари ҳисобга олинмай, эски нархда баҳоланган. Устига устак, павильон эгаллаб турган ер майдони ҳақиқатда 957,4 кв.метр бўлгани ҳолда, ҳужжатларда 631 кв. метр деб кўрсатилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 5 мартдаги 82-сонли қарорида деҳқон ва буюм бозорлари, ярмаркалар негизида очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари ташкил этиш кўзда тутилган. Бироқ, Зомин туман ҳокимлиги мазкур қарорга хилоф равишда 1996 йил 11 апрелда 154-сонли қарори билан «Ёрбек ота» хусусий бозорини тасдиқлаб, рўйхатга олган.

Кўриниб турибдики, иншоотларнинг сотувчисиям, олувчисиям бозор директори Ё.Эсоновнинг ўзи бўлган. Шу сабабли, у объектларга арзон баҳо қўйилишидан, ер майдонини озайтириб кўрсатишдан манфаатдор эди. Вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси эса қалбакичилик ҳолатларига эътибор бермаган.

Баён қилинганларга асосан, шу ишга алоқадор буйруқ, ордер ва қарорларни ҳақиқий эмас, деб топишингизни сўраймиз».

Уюшма бошқаруви раиси Ў.Қулматовнинг дадиллиги вазиятни ўзгартириб юбориши, кўпгина ноаниқликларга ойдинлик киритиши мумкин эди. Афсуски, бу кескинлик ҳам қонуний йўл билан тўхтатилди. Вилоят хўжалик судининг 1999 йил 7 майдаги ажримига кўра, «даъвогар вакили иштироки таъминланмаганлиги ҳамда даъвогарнинг суд мажлисини ўз вакили иштирокисиз ўтказиш тўғрисида розилик илтимосномаси бўлмагани сабабли» иш кўрилмасдан қолдирилади. Бундай қонуний тўхтамга эътироз билдириб бўладими? Албатта, йўқ! Ҳаммаси қонун талаби асосида. Фақат айтиш мумкинки, даъвогар югуриб-елиб ҳужжатлар тайёрласа, давлат божи харажатларини тўласа-да, кутилмаганда суд жараёнига келмаса, қизиқ-а? Бу дунё шунчалар сирлики, ажримда таъкидлаганидек, ҳатто «Даъвогар вакили иштироки таъминланмагани сабабларини аниқлаш имкони бўлмаган». Э, қойил!

Ҳали бу можарога юқори давлат идоралариям аралашган, дегандик. Хусусан, С.Равшановнинг хати бўйича республика Давлат солиқ қўмитаси масъул ходими ва етти нафар мутахассис муаммони жойига бориб ўрганади. Бу ҳақда маълумотнома тузади. Унда биз тилга олган камчилик, қонунбузарликдан ташқари яна бир масала қайд этилган: «Вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган патта тўлови ставкаси бўйича павильонда доимий тарзда савдо-сотиқ билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг ҳар биридан бир кунлик патта тўлови 120 сўм миқдорида олиниши ҳисобланганда, бир кунлик тушум 16800 сўмни ташкил этади. Павильон эса — 12640 сўмга баҳоланган, холос».

Эътибор беринг, бу икки йил олдинги баҳода. Ҳозир битта патта икки юз сўм! Изоҳга ҳожат борми? Энг ёмони, ушбу маълумотнома ҳам қоғозда қолиб кетди. Биров унинг охирига етмади. Қанча вақт, сафар харажатлари осмонга учиб кетди. Эсиз!

Кези келганда, патта масаласига ойдинлик киритсак. Туман солиқ инспекциясининг бошлиғи Абдукарим Ишназаровга учрашиб, бозор ичидаги «Ёрбек ота» хусусий бозори ҳақида сўрадик. У «Бу иншоот хусусий бозор эмас, хусусий шохобча», деди. Сўнг «Ёрбек ота»нинг охирги йиллардаги бюджет тўловлари бўйича маълумотномани қўлимизга тутқазди. Қарасак, жорий йилнинг январ, феврал ойида «Ёрбек ота» эллик фоизли тўлов бўйича 129066,90 сўмлик патта солиғи топширибди. Қизиқ, хусусий шохобчаям патта сотадими? Қайси қонунда бор бу? Масалага ойдинлик киритиш имкони бўлмагани учун бу қонунбузарлик илдизини топиш мақсадида «Жиззах вилояти бозорлари» акциядорлик жамиятлари уюшмасига бордик. Бош ҳисобчи ёрдамчиси Оқил Инотуллаевнинг айтишича, «Ёрбек ота» бу йил бор-йўғи бир қути — уч минг сўмлик патта олган экан!?

***СЎНГ СЎЗ ЎРНИДА:*** *Тан олиш керакки, хусусийлаштиришнинг илк босқичларида камчиликлар бўлган. Чунки у пайтларда айрим қонуний-меъёрий ҳужжатларда қарама-каршиликлар учраган. Аммо энди у ортда қолди. Камчиликларни тузатадиган пайт келди. Мулкчилик шаклини ривожлантириш мақсадида қонунлар қабул қилинди. Бошқа меъёрий ҳужжатлар унга мослаштирилди. Мулкдорларга эрк берилди. Аммо бу қонунсизликка қўл уриш мумкин, дегани эмас. Қайтанга ҳар босган қадаминг қонун ва яна қонун доирасида бўлсин, дегани. Шукурки, юртимизда тадбиркорлик юксалди. Ишбилармонларнинг саъй-ҳаракатларини кўриб тан берасан. Аммо тадбиркорлик — тайёр бозорнинг энг гавжум жойини хусусийлаштириб олиб, қонунга зид равишда «хусусий» патта сотишдан иборат бўлмаслиги керак!*

**Қурбон ЭШМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Асака туманидаги Бобур номли ширкат хўжалиги — вилоятдаги илғор жамоалардан бири. Деҳқонлар бу йил 1052 гектар ердаги ғўза, 667 гектар майдондаги ғалла майсаларини меҳр билан парваришлаётир. Уларнинг мақсади пахтадан 40, ғалладан эса 85 центнерлик маррани забт этиш. Бугунги дала ишлари ана шу мақсадга яраша ташкил этилган.*

**СУРАТДА: хўжалик раҳбари, вилоят кенгаши депутати Абдуманноп Парпиев ва механизатор Раҳамиддин Холиқов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

## Божхоначилар ҳамкорлиги

Фарғона вилоят божхона бошқармаси вилоятнинг чекка ҳудудларида жойлашган мактабларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ташаббуси билан чиқди.

Эндиликда 24 та умумтаълим мактаби божхоначилар кўмагидан баҳраманд бўлади. Ташаббускорлар мактабларни таъмирлаш, ўқувчиларга зарурий ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилишларига амалий ёрдам беради, кам таъминланган, кўп болали оила фарзандларига моддий ёрдам кўрсатиш билан бирга, иқтидорли, аълочи ўқувчи ёшларга махсус стипендиялар ташкил қилади. Божхоначилар ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш борасида қўшимча машғулотлар ҳам уюштиришади.

**Р.КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Ғолиблар «юриш»ни давом эттиради

**Ҳар йилгидек бу йил ҳам «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови республикамизнинг барча туманларида бўлиб ўтмоқда.**

Куни кеча пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманида ушбу танловнинг саралаш босқичи якунланди. Ёшлар ўртасидаги якка ҳаваскор ашулачилар ҳамда хор жамоалари ўзларининг чиқишлари билан томошабинларни хушнуд этишди. Ҳакамлар ҳайъати битта биринчи, иккита иккинчи, учта учинчи ўрин соҳибларини аниқлади. Ғолиблар кўрик-танловнинг шаҳар босқичига чиқдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

MINISTRY OF PUBLIC EDUCATION

CENTER OF SECONDARY SPECIALIZED AND PROFFESIONAL EDUCATION

OPEN SOCITY INSTITUTE - UZBEKISTAN

Is pleased to announce a contest for participation in the

SUMMER CAMP

**For English Language Teachers of Secondary Schools, Lyceums and Colleges**

The intensive one-week language development and ELT methodology-training course will be help from *June 4 till une 13.*

**Eligible candidates**

- English language teachers of secondary schools, lyceums and colleges with at least two years of professional experience.
- Candidates must be teachers who intend to teach for a period of 5 more years
- Candidates must be under 45 years of age

**Interested applicants should fill out Application Forms and attach**

- Reference from the work-place certifying the duration of employment
- Statement of purpose written in English (not longer than 1 page)
- Letter of recommendation
- Sample demonstration lesson

**Applications should be submitted to the Open Society Institute no later than May 7th**

For Application Forms and additional information please contact OSI-Uzbekistan at:

**31 Zarbog Street, Tashkent 700031 (near hotel Rossia)**
**Tel/fax: (371) 152-27-41, 152-36-98, 152-39-15, 152-39-16**
**E-mail: natasha@osi.uz / svetlana@osi.uz**

**http//www.osi.uz**

4141

*Ифтихор*

# Истиқлол шукуҳи

**Дунёни гўзал ва тўкис кўриш инсоннинг азалий муддаосидир. Шу боис, у ақл-заковатни йўлчи юлдуз билиб, барча замонларда тараққиётнинг янги марралари сари интилган. Зеро, яратувчилик ва бунёдкорлик одамзод табиатига хос олий фазилат саналади.**

Ота-боболаримиздан мерос қолган анъаналарни, эзгу ва муқаддас ишларни муносиб давом эттириш ҳозирги авлод зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Мана, биргина миллий меъморчилик санъатини олиб кўрайлик. Истиқлол шарофати туфайли кейинги ўн йил мобайнида юртимиз шаҳар ва қишлоқларида қанча-қанча ҳайратомуз иншоотлар қад кўтардики, уларни кўрганда қалбинг беихтиёр ғурур ҳамда ифтихорга тўлади!

Таъкидлаш жоизки, абадиятга йўғрилган бу каби савоб ишларнинг тепасида Юртбошимизнинг ўзлари турибдилар. Бугун пойтахтимиз кўркига-кўрк қўшиб турган боғ ва хиёбонлар, анвойи фавворалар, бетимсол ҳайкаллар, замонавий обидалар лойиҳаси, аввало, Йўлбошчимизнинг доно маслаҳатлари билан қайта сайқал топиб, меъморий такомлига етказилганини халқимиз яхши билади ҳамда қадрлайди.

Мустақиллик барча замонларга татийдиган тарихий ҳодисадир. Унга кимлар етди, кимлар етолмади. Ўзбекистоннинг тарихан қисқа давр — ўн йил ичида эришган ютуқларини дунёга кўз-кўз қилиш, миллий қадриятларни улуғлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва ота-боболаримиз анъаналарига садоқат руҳида тарбиялаш бугун ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этаётганлиги сир эмас.

Албатта, кейинги йилларда Ўзбекистонимиз бағрида қад ростлаган обида ва хиёбонларда, пурвиқор иморатларда мустақиллик нафаси уфуриб туради. Истиқлол туфайли қад ростлаган бетакрор иншоотлар ҳар бир ватандошимиз қалбида чексиз фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Уларни кўрганда шундай кунлар насиб этганига шукроналар айтамиз. Илоҳим, юртимизни ёмон кўзлардан яратганнинг ўзи асрасин.

**Сайфиддин ФАХРИДДИНОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

ЭЪЛОН

М. АШРАФИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

2001 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича аспирантура ва ассистент-стажёрликка

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

АСПИРАНТУРАГА:

17.00.02-«Мусиқа санъати» (кундузги - 1 ўрин)

АССИСТЕНТ-СТАЖЁРЛИККА:

оркестр дирижёрлиги (кундузги - 1 ўрин)

Ҳужжатлар шу йил 5 майгача қабул қилинади.

Манзил: 700000, Тошкент ш., Пушкин к., 31. Аспирантура бўлими.

ТЕЛЕФОН: 133-67-70.

4137

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ДУ-20мм, ДУ-25мм, Ф76x3,5мм, Ф102x3,5мм диаметрли пўлат трубалар ишлаб чиқаради ва савдо қилади.

ЭНГ АРЗОН НАРХЛАР ФАҚАТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАДИР !

Телефонлар: 41-31-72, 41-29-94, 41-25-72, 41-22-61, 144-38-18 /факс/.

4102

